

ШАРТНОМА № 1

(Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш ҳақида)

2022 йил «25» январь

Марғилон шаҳри

Марғилон шаҳар Мактабгача таълим бўлими мудири Х.Қурбанова низом асосида ҳаракат қилувчи (бундан буён бир томондан "Харидор" деб юритилади), иккинчи томондан "Марғилон таъминот савдо" МЧЖ раҳбари А.М.Ризаев низоми асосида иш юритувчи (бундан буён "Сотувчи" деб юритилади) ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса қабул қилиб олинган маҳсулот ёки товар (қўрсатилган хизмат) учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРҲИ.

2.1.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1.	1-навли бугдой уни	кг	1130	4500,00	5 085 000,00
2.	Шакар	кг	1810	9200,00	16 652 000,00
3.	Ўсимлик ёғи	литр	495	20000,00	9 900 000,00
	Жами:				31 637 000,00

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: Ўттиз бир миллион олти юз ўттиз етти минг сўм.

III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилган товар, маҳсулот (қўрсатилган хизмат)нинг 30 фоизи миқдорида пул маблағини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товар-маҳсулотларни етказиб бериш транспорт харажатлари «Сотувчи» томонидан амалга оширилади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга кириб олдиндан 30% тўлов амалга оширилгандан сўнг товарни 1 ой муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ.

5.1. Етказиб берилган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабларига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

Шартномада қўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш;

«Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

«Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб, ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

Тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш;

Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га товар ва маҳсулотларни белгиланган муддатларда етказиб берилмаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 0,5 % миқдорида «Харидор»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу маҳсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

7.4. «Харидор» томонидан олинган товар ёки маҳсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарк етказиб берувчи томонидан қопланади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер силқиниши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши кураш бўйича коидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини кафолатлайди.

9.2. Томонлар коррупцияга қарши коидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериш ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо Иқтисодий суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «25» январдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилиб, ҳар бири бир хил юридик кучга эга ҳисобланади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, фазначилик бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАР:

«Сотувчи»

"Марғилон таъминот савдо" МЧЖ
(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Марғилон шаҳар
Бозор кўчаси №35
Тел./факс
х/в: 20 208 000 200 221 929 001
Банк номи: "Хамкор банк" Марғилон филиали
МФО: 00991
СТИР: 200138834
ОКЭД: 13201



А.М.Ризасев

"Харидор"

Марғилон шаҳар Мақтабгача таълим бўлими
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Марғилон шаҳар
Мустақиллик 673
Тел./факс
ш/х 400522860304127091100251033
СТИР 305152353 ОКОНХ 92400
Марғилон шаҳри бўйича Фазначилик бўлимаси



Фазна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш ББ
МФО 00014 СТИР 201122919

Х.Қурбанова